

Аллоҳ меҳрибон зот (Аъзам Хўжанинг айтганлари)



17:00 / 09.03.2021 4522

Сафарда бир киши менга йўлдош бўлди. Ҳамроҳимнинг нимадандир кайфияти чоғлиги шундоқ кўриниб турарди. Ора-орада: «Ё Аллоҳ, ё Аллоҳ қудратингдан!» деб қўяр эди у. Ўрни келди дегунча менга ҳам дини ислом аҳкомларидан бир шингил-бир шингил сўйлаб қоларди. Мен унинг ичида бир гапи борлигини, нимадир демоқчи бўлаётганини сезиб турардим. Аста-аста гап гапга уланди. Зерикмадик. Суҳбатдошим анча киришимли ва сўзамол чиқиб қолди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтиб-ўтмай мен сомеъга айланиб, унинг ғаройиб ҳикоясига қулоқ тутдим: «...Ҳа, айтмоқчи, шу поччамиз ароқ сотишни ташлади, ундан келган фойдадан ҳам воз кечди. Унга Худо бошқа томондан, ҳалолидан берди. Жуда қисқа вақтда тикув цехини ишга туширди. Атрофидаги қўни-қўшни, қариндош-уруғ, ёру дўстларини иш билан таъминлади. Кийим-кечак тиктириб бозорга чиқарди.

Ана, ҳозир сўнгги русумли машинани миниб юрибди... Хўш, энди ҳамма гап бу ёқда, ука... Биз кеннойингиз билан турмуш қурганимизга ўн уч йил бўлган эди. Аммо ўртада фарзанд йўқ. Фарзанд доғи бизни куйдириб, адо қилди. Бормаган дўхтиримиз қолмади. Тошкентдаги энг катталари уёқда турсин, Московдаги профессорларга ҳам мурожаат этдик. Ҳар иккаламиз ҳам даволандик. Бефойда. Эл-юртда номи чиққан азиз-авлиёлар қабрларига бориб, фарзанд тиладик. Фойда йўқ. Фолбинлар маслаҳати билан қўйлар сўйиб садақа қилдик. Бўлмади. Ноумид шайтон деганларидек, энди яна табиб излаб юрган кунларимизнинг бирида поччам йўлиқди. Аҳволимиздан хабарлари бор эди. «Эй, энг катта табиб, энг улуғ табиб Аллоҳнинг ўзи-ку! Дардни ҳам, шифони ҳам ўзи беради. Бормаган эшикларинг, кирмаган тешикларинг қолмади. Қани фойдаси?! Аллоҳни ҳеч эсладингларми ўзи? Эй, менга қара, сизлар ҳам мундоқ эр-хотин мусулмонларга ўхшаб, ғусл қилиб, таҳорат олиб, намозда, саждада, дуода Аллоҳдан астойдил сўранглар фарзандни. Беради, беради иншааллоҳ!» деди жиддийлик ва ишонч билан у.

Поччамдаги бу руҳий кайфият менга ҳам кўчди. Айниқса, охири сўзларидан жуда қаттиқ таъсирландим. Ўйладим, ўйладим. Охири иймон калимасини қайта-қайта такрорлаб, улуғ Парвардигоримизнинг зиммамизга юклаб қўйган фарзини адо эта бошладик эр-хотин. Эй, ука бизга ҳам берди, берди Худойим! Худо хоҳласа, бир ойдан кейин ўн тўрт йил интизорлик билан кутилган меҳмонни қаршилаймиз. Беадад шукр».

«Ё Аллоҳ, ё Аллоҳ қудратингдан», дея мен ҳам беихтиёр Яратгувчининг меҳрибонлигига ҳамдлар айтдим.

Баҳодир Нурмуҳаммад